

abc

Давлат хизматлари "иккинчи даражали" бўлиши мумкин эмас

8-9-бетлар ▶



35
(1353)-son
31-avgust
2018

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ЭТИРОФ

Мукофотлар қутлуг
бўлсин, азиз алоқачилар!
3-бет

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Uzonline ўз абонентларига
27 тун чексиз интернет
тақдим этади 4-бет

САЁҲАТ ВА СПОРТ

Бухорода юз нафар
алоқачи беллашди 5-бет

ICTWEEK

UZBEKISTAN 2018

пойдет с 24 по 29
сентября в Ташкенте и
Джизаке 6-бет

ГАЛАБАГА

УНДОВЧИ КИТОБ

Улкан муваффақият —
катта муваффақият-
сизликнинг меваси 7-бет

МУТОЛАА

Ташландиқ бола
(ҳикоя) 14-бет

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Ўзбекистон ўз
рекордини янгилайди
15-бет

"ОБОД ҚИШЛОҚ"
ДАСТУРИ ДОИРАСИДА,
ДАСТЛАБКИ МАНЗИЛЛИ
РЎЙХАТГА КЎРА,

2019 йилда

159 тумандаги

477 қишлоқда

қурилиш-
ободонлаштириш
ишлари амалга
оширилади.

Лойиҳаларга 2018 йилнинг
1 октябридан киришилади.



ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

К уни кеча пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида энг улуг, энг азиз байрам — давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллик тўйи арафасида бир гуруҳ соҳа раҳбар ходимларига давлат ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологи-

ялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий мукофотларини топширишга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Тадбир Давлат мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Респуб-

ликаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Солиқов сўзга чиқиб, йиғилганларни мустақиллик айёми билан табриклади.

2-бет ▶

ЭЪЗОЗ

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлигининг 27 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, саънат, маънавият ва маърифат ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди.

Қувонарлиси, улар орасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимлари ҳам бор.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси санитар-йўриқчиси Баҳодир Раҳматиллаевич

НЕМАТИЛЛАЕВ ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети "Телерадиоэшитириш тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси Виталий Сергеевич КАН ҳамда "UNICON.UZ" ДУК директорининг биринчи ўринбосари Хислат Пулатович ҲАСАНОВ "ШУҲРАТ" медали, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси Давид Халбаевич ҚОНАРБАЕВ "КЕЛАЖАК БУ-НЁДКОРИ" медали, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Заирович АБДУЛЛАЕВ "ДЎСТЛИК" ордени билан тақдирланишди.

Давлатимизнинг юксак мукофотлари муборак бўлсин, азиз алоқачилар!

АНОНС




24-29 sentabr
Toshkent, Jizzax

**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA
TEKNOLOGIYALARI
HAFTALIGI**

www.ictweek.uz





➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 август кuni Тошкент вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг таърифи чоғида 60 миллион долларлик лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган цех ишга туширилди. Президентимиз куйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди. Президентимиз Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда амалга оширилаётган лойиҳалар, Бекобод туманидаги "Юсупов Ғофуржон фойз" фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари Зангиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи қурилиши билан танишди.**

➤ Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Жумадан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Жаҳон банки президенти Жим Енг Ким, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин, АҚШ Президенти Доналд Ж.Трамп, Сингапур Республикаси Президенти Халима Ёкуб, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зойд Ол Наҳён ва бошқа давлат раҳбарларидан табриклар келди. Уларда давлатимиз раҳбарига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равиқ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган. Қутловлар келиши давом этмоқда.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**га кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар назоратлари фахри, таълим, соғлиқни сақлаш, алабидёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат ҳамда давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимлари, шунингдек, Тожикистон Республикасининг бир гуруҳ давлат ва жамоат арбоблари, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари ва бир гуруҳ хорижийлик фуқаролар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди.

➤ Тожикистон Президенти матбуот хизматининг хабарига кўра, Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон ҳукумати вакиллари ва санъаткорларини Тожикистон давлат мукофотлари билан тақдирлади. Мукофотларни Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг ўзи топширган.

➤ Жорий йилнинг 27 август кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил I ярим йиллигидаги ижроси якуналарини кўриб чиқдилар.



ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

◀1-бет.

— Мустақилликнинг кунлариданоқ мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда, — деди соҳа раҳбари. — Иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий АКТни жорий қилишга доир йирик лойиҳаларни амалга ошириш натижасида соҳа корхоналари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ҳажми сўнгги ўн йилда 12 баробарга ошди, бу кўрсаткичларга эришишда соҳа корхоналарида меҳнат қилаётган кўп минглик малакали ходимларнинг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунга келиб соҳа олдида янада катта ва муҳим вазифалар қўйилган. Яқин келажақда мамлакатимиз телекоммуникация тармоқлари қамровини кенгайтириш, халқаро интернет тармоғи ўтказувчанлик тезлигини кескин ошириш, электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш

лозим. Аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига янги турдаги интерактив давлат хизматларини яратиш, замон талабларига мос янги почта хизматларни жорий этишимиз керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, олдимизда барча соҳаларга АКТни янада чуқурроқ жорий этиш каби вазифалар турибди. Яқин беш йил мобайнида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотидagi АКТнинг улушини камида 4 фоизга етказиш, дастурий маҳсулотлар экспортини 10 баробарга оширишни белгилаб олганмиз. Ана шундай вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг фидокорона меҳнатингиз сув билан ҳаводек зарур. Эришилаётган натижалар давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида. Президентимизнинг тегишли фармонлари билан соҳамиз вакиллари "Дўстлик" ордени ва "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Ишончим ко-

милки, профессионал маҳорат, соҳанинг энг яхши анъаналари аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириш имконини беради. Самарали ва ишончли фаолиятимиз мамлакатимиз тараққотида муҳим ўрин тутди. Азиз устозлар, мураббийлар, ҳамкасблар! Барчангизга сўхат-саломлик, фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик ва файзу борака тилайман.

Тadbирда икки нафар соҳа ходимига давлат мукофоти, меҳнатда алоҳида ўрнатилган алоқачиларнинг 7 нафарига "Моҳир алоқачи" фахрий унвони, 27 нафарига "Фахрий ёрлик" ҳамда 36 нафарига "Ўз касбининг устаси" белгиси тантанали равишда топширилди.

Байрам тadbирини иштирокчилари Алоқа тарихи музейи экспонатлари билан танишишди.

Ўз мухбиримиз

ЭҲТИРОМ

КАМТАРЛИҚДАН КАМОЛ ТОПИБ



Халқимизда "Камтарга камол" деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Одатда камтар одамлар ўз танлаган соҳасининг билимдонлари бўлишди. Табиатидаги маънавий баркамоллик уларни ўзини

вазмин тутишга, керак пайтда ён-атрофидагиларга қўлидан келганича кўмак беришга ундайди. Шу хислатлари сабаб эл ҳурмати, ҳамкасблари меҳрига сазовор бўлишди улар. "UNICON.UZ" — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбасари Хислат ҲАСАНОВ ҳам ана шундай инсонлардан бири.

Умрини алоқа соҳаси ривожига бағишлаган ажойиб инсон, кўплаб ёшларнинг севили устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Пулат Фаттоҳович Ҳасанов хонадониди дунёга келган Хислатжонга алоқа соҳасига қизиқиш отасидан ўтган. У мактабда ҳам,

олий таълим даргоҳида ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Мана, анча йиллардан бери Хислат Пулатович турли вазифаларда меҳнат қилиб, "UNICON.UZ" ДУК ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги байрами арафасида Президент фармонида асосан Хислат Ҳасанов ҳам юксак давлат мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Биз Хислат Ҳасановни ажойиб мукофот ҳамда республикамиз мустақиллигининг 27 йиллик тўйи билан самимий табриклаб, ишларида ривож, мустақам соғлиқ тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

МУКОФОТЛАР ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ АЛОҚАЧИЛАР!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги нишонланиши муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган ва бунга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келётган бир гуруҳ раҳбар ходимлар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг буйруғига мувофиқ вазирлиқнинг идоравий мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан,

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телеком" тармоқларини эксплуатация қилиш маркази Чилонзор телефон боғламаси линия-кабел иншоотлари цехи 276-ЭАТС кабелчи пайвандловчиси **Ҳамидулла Турсунович ДАВРОНОВ**, "Электроманит мослашув маркази" ДУК техник радионазорат станцияси етакчи муҳандиси **Мухаммад Амин Мирзаджонович ЗИЯТДИНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали техник директори **Жалол Жовлиевич НАЗАРОВ**, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" ДУК тезкор бошқарув пункти бошлиғи **Қутибай Валиевич НАВРЎЗҚУЛОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ почта алоқаси хизматларини ташкил этиш ва логистика бўлими бошлиғи **Галина Леонидовна ПАК**, Ўзалоқаназорат Бухоро вилояти ҳудудий инспекцияси бошлиғи **Бешим Мадиевич РАЖАБОВ**, "UNICON.UZ" ДУК телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқасини ривожлантириш ИТД радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи **Зокир Комилжонович ХУСАНОВ**лар "МОҲИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан;

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи **Абдирим Ниязметович АБДИРАХМАНОВ**, "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" мобил тармоғини эксплуатация қилиш маркази Жиззах ҳудудий боғламаси бошлиғи **Дурбек Абдуғаниевич АБДУРАҲИМОВ**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи **Санжар Диллодович АБДУҒАНИЕВ**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) бошлиғи **Бекзод Эркабиевич АДЕНОВ**, МЧЖ "Rubicon Wireless Communication" ХК шартномалар бўлими бошлиғи **Яншар Анварович АЗИЗОВ**, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика

лика маркази" ДУК бош бухгалтер **Саодат Аминжановна АҲМЕДОВА**, "Unitel" МЧЖ Жанубий ҳудудий филиали директори **Улғабек Абдуқаҳҳорович АҲМЕДОВ**, "Universal Mobile Systems" МЧЖ Самарқанд шаҳридаги хизмат кўрсатиш маркази эксплуатация қилиш функционал гуруҳи катта мутахассиси **Суннатилло Раҳимжонович АҲМЕДЖАНОВ**, Ўзалоқаназорат Сирдарё вилояти ҳудудий инспекцияси телекоммуникация тармоқлари, мобил алоқа, телевидение, радиоэшиттириш ва почта алоқасини назорат қилиш бўлими бошлиғи в.б. **Фарҳод Олимжонович БОБОЕВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Андижон радиотелеузатиш маркази Фарғона радиотелевизион станцияси бошлиғи **Исmoil Обидович БОЗОРОВ**, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитишнинг техник воситалари бўлими бошлиғи **Баҳриддин Негматович ҒАФУРОВ**, "UZINFOCOM" МЧЖ бош директори ўринбосари **Эмил Илдарович ГИМРАНОВ**, Ўзалоқаназорат Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инспекцияси телекоммуникация тармоқлари, мобил алоқа, телевидение, радиоэшиттириш ва почта алоқасини назорат қилиш бўлими катта инспектори **Жулдизхон Дарибаевна ДАУЛЕТОВА**, Давлат фелдъегерлик хизмати бош юрисконсулти **Бердией Умирович ЖАББОРОВ**, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази давлат муассасаси ахборот жамиятини ривожлантириш департаменти бошлиғи **Дийрабегим Баҳромжон қизи ЗОКИРОВА**, "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси 1-тоифали муҳандиси **Курбонбой Ембергенович ИСМЕТУЛЛАЕВ**, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати бошлиғи **Али Рузқулович ЙЎЛДОШЕВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиали Ромитан туманлараро ПАБ "Жонгелди" алоқа бўлими бошлиғи **Абубақир Жузбасевич КАЛИБАЕВ**, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК ходимлар бўлими бошлиғи **Гулшан Талиповна ҚОСИМОВА**, "Электроманит мослашув маркази" ДУК турғун ва йўлдошли алоқа бўлими етакчи муҳандиси **Фарҳод Алламбергенович МАТЖАНОВ**, "Электроманит мослашув маркази" ДУК Қорақалпоғистон Республикаси электроманит мослашув хизмати 1-даражали радиооператори **Қуатбай Сағинбаевич НИЕТУЛЛАЕВ**, "Ўзбектелеком"



АК "Тошкент шаҳар телеком" тармоқларини эксплуатация қилиш маркази янги техникани тестдан ўтказиш ва техник қўллаб-қувватлаш хизмати олий тоифали муҳандиси **Шухратилла Суннатович НУРИТДИНОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Самарқанд радиотелеузатиш маркази директори **Фуркат Султонович РОЗИҚОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ "Матбуот тарқатиш" филиали директори **Бахтиёр Нигматжонович РАФИҚОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Қўқон туманлараро ПАБ почта айирбошлаш участкаси бошлиғи **Фарҳод Махмудович ТУРСУНОВ**, ТАТУ илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **Наталья Валентиновна УЛЪЯНОВА**, "UNICON.UZ" ДУК ихтисослашган ишлаб чиқариш департаменти махсус мақсадли воситаларни ишлаб чиқариш ва конструкциялаш бўлими бошлиғи **Баҳодиржон Шокиржонович Юлдашев**лар "ФАҲРИЙ ЁРЛИК" билан;

"Электроманит мослашув маркази" ДУК ишлаб бошқармаси ходими **Дилором Сайфуддиновна АТАДЖАНОВА**, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Ўзбекистон ТТБ линия-кабел хизмати кабел пайвандловчиси **Абдулқазиз Ҳасанович АҲМЕДОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК диспетчер гуруҳи алоқа диспетчери **Елена Юрьевна АЧКАСОВА**, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Бухоро ШТБ 225-АТС 6-тоифали кабел кавшарловчиси **Ахтам Исломович БАҲРОНОВ**, "UNICON.UZ" ДУК стандартлаштириш таянч ташкилот хизмати етакчи муҳандиси **Гулнора Яшиновна ГАЙПОВА**, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Чирчиқ ТБ станция иншоотлари цехи алоқа электромеханиги **Ирина Владимировна ГОНЧАРОВА**, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК махсус алоқа хизматларини кўрсатиш бўлими 1-тоифали экспедитори **Мухаббат Қобиловна ДАДАМУҲАМЕДОВА**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиали Иштихон туманлараро ПАБ

почтачиси **Фотима Жунайдуллаевна ЗУБАЙДУЛЛАЕВА**, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази маркетинг тадқиқотлари ўтказиш бўлими бош мутахассиси **Азамат Махаммадинович ЗИЯТДИНОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК режа-иқтисодиёт бўлими етакчи иқтисодчиси **Сурайё Файзуллаевна ИНАГМОВА**, "UZINFOCOM" МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портални ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳининг ахборот тизимларини техник қўллаш сектори бошлиғи **Исmoil Махсумхонов ИСОҚОВ**, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ишлар бошқармаси ходими **Мирсоат Рихсиевич КАРИМОВ**, "Электроманит мослашув маркази" ДУК Қашқадарё вилояти электроманит мослашув хизмати ҳайдовчиси **Нияз Рашидович ҚАЮМОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали Жиззах туманлараро ПАБ 8-алоқа бўлими бошлиғи **Зулфия Низамовна ҚОСИМОВА**, ТАТУ Қарши филиали "Гуманитар ва ижтимоий фанлар" кафедраси ассистенти **Руслан Бүриевич ҚУРБОНОВ**, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази рақамлаштирилган иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш бўлими бошлиғи **Азимжон Қодир ўғли МАҲМАДЖОНОВ**, Ўзалоқаназорат моддий-техника таъминоти ва автотранспорт бўлими автомашина ҳайдовчиси **Мирсадий Мирсобинович МИРЗОҲИДОВ**, "UMS" МЧЖ сотувлар ва хизмат кўрсатиш ишларини қувватлаш ва таҳлил қилиш бўлими мутахассиси **Наталья Владимировна МОСУНОВА**, ТАТУ "Компютер тизимлари" кафедраси профессори **Мухаммадjon Махмудович МУСАЕВ**, "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали Иштихон ТБ 2-тоифали муҳандиси **Нормурот НОМОЗОВ**, "Ўзбектелеком" АК капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Анвар Икромович НУРИТДИНОВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали Охангарон туманлараро ПАБ "Ол-

малик 5" алоқа бўлими почтачиси **Раиса Александровна ПОПОВА**, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Паркент ТБ электромонтёри **Турсунмурот Жинаевич РАҲМАТУЛЛАЕВ**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳ/қ) алоқа объектларида ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди техник ҳайдовчиси **Мамуржон Махмуджонович СОДИҚОВ**, Ўзалоқаназорат телекоммуникация тармоқлари ва хизматларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Саидбахром Саидрасулович САЙДАЗИМОВ**, ТАТУ Фарғона филиали хўжалик ишлари бўлими ходими **Одина Дехқонбоевна САТТОРОВА**, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ахборот-компютинг маркази муҳандиси-тизим маъмури **Канат Жибоевич СЕМБИЕВ**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон филиали Тўртқўл туманлараро ПАБ оператори **Гулмира Қаландаровна СУЛТОНОВА**, Давлат фелдъегерлик хизмати Нукус шаҳар бўлими фелдъалоқа катта офицери **Рохат Пердбаевич ТУРЕМУРАТОВ**, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Хоразм РТУМ кадрлар билан ишлаш ва малака ошириш бўйича 1-тоифали мутахассиси **Шарифа Аслоновна УСМОНОВА**, "Ўзбектелеком" АЖ Андижон филиали Қўргонтепа туманлараро ПАБ "Хонобод-3" алоқа бўлими бошлиғи **Гулшаной Эргашбоевна ҲАЙДАРОВА**, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали Жиззах туманлараро ПАБ марказ почтачиси **Махбуба Ғаниевна ҲАКИМОВА**, "Алоқалойиха" ДУК станция иншоотлари бўлими бошлиғи **Жамшид Баҳодирович ХОРУНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали Нарпай ТБ 5-тоифали электромонтёри **Шокир Сайдиевич ХУСАНОВ**, "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали Ховос ТБ станция иншоотлари цехи алоқа электромеханиги **Рустам Исmoilович ШИРБУТАЕВ**, "Ўзбектелеком" АК диспетчерлик хизмати катта диспетчери **Елена Владимировна ЦВИТИКОВА**лар "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан тақдирландилар.

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ОЛУВЧИЛАР УЧУН ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида "Фуқаронинг пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш" ва "Фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини олиш" хизматлари кўрсатила бошланди.

"Фуқаронинг пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш" хизмати ёрдамида тегишли ҳужжат олиш учун буюртманома расмийлаштирилади.

"Фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пу-

лини олиш" хизматидан фойдаланиб, тегишли нафақа олиш учун ариза бериш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа ЭКИХнинг икки баравари миқдорида тўланади. Иш ҳақиға туман коэффициентлари белгиланган жойларда нафақа миқдори ушбу коэффициентни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишламайдиган ва таълим олмайдиган ота-оналарга нафақа Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан, бошқаларга — иш ёки ўқиш жойида тайинланади ва тўланади.

UZONLINE ЎЗ АБОНЕНТЛАРИГА 27 ТУН ЧЕКСИЗ ИНТЕРНЕТ ТАҚДИМ ЭТАДИ



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ўзига хос совға тайёрлади. Uzonline провайдерининг фаол абонентлари учун янги хизматни ишга туширди.

Night Unlim-27 деб номланувчи ушбу хизмат доирасида фаол абонентлар учун 27 тун давомида 2 Мб/с. тезликда чексиз интернет ва Tas-IX тақдим этилади. Мазкур хизмат 2018 йил 27 августдан 22 сентябргача бўлган муддатда, соат 00.00дан 12.00гача амал қилади.

Мазкур акция фақат жисмоний шахслар учун бўлиб, Night Unlim-27 хизматининг барча қўшимча шартлари Night Unlim хизмати шартларига мувофиқ амал қилади.

Эслатма: Night Unlim-27 хизматининг тўғри нархланиши ва интернет тезлигини тегишлича ўзгартириш учун жорий сессияни соат 00.00га яқин тўхтатиш, яъни интернетни узиб туриш лозим. Соат 00.00дан сўнг интернетга қайтадан улашиб, фойдаланишда давом этилса, шунда хизмат тўғри ишлайди ва нархланади.

МАЪЛУМОТ УЧУН

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВЕБ-САЙТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БИР ЖОЙДА

Фуқароларга давлат органлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун уларнинг идораларига ташиф буюришингизга ҳожат йўқ. Ҳозирги кунга келиб, деярли барча давлат органлари ўз расмий веб-сайтларида эга ва умумий 128та давлат органларининг веб-сайтлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталида (www.gov.uz) жойлаштирилган.

Бу порталда 18та вазирлик, 13та давлат қўмитаси, 6та агентлик, 2та марказий муассаса, 8та банк, 2та қўмита, 6та марказ, 9та инспекция, 14та маҳаллий давлат ҳокимияти органи, 6та ассоциация ва концерн, 24та компания, 7та бирлашма, 2та жамғарма ва 11та бошқа давлат ташкилотлари веб-сайтларига ҳаволалар берилган: https://www.gov.uz/uz/pages/government_sites

АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҲАРБИЙЛАР ҲАОЛЛИГИДА

Мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотларда бўлганидек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳам Республикамиз Мустақиллигининг 27 йиллиги олдидан "Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, "Шуҳрат" медали соҳиби, 2018 йилдаги "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" Ботиржон Эргашев иштирок этди.

Ботиржон Эргашев Ватанга муҳаббат руҳи билан сугорилган, ҳаётнинг мисоллар асосида мазмунли маъруза қилиб, ҳарбий қисм шахсий таркибининг мустақиллик, шукроналик ҳақидаги тушунчаларини янада кенгайтди, ўзининг дилтортар шеърлари билан улар маънавий оламида янада бойитди. Айниқса, шоирнинг "Гар нолисак", "Ўқилмаган умр китоби" ва "Одатланиш..." каби шеърлари ҳарбий хизматчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида бошқарма ансамбли бошлиғи подполковник К. Абдунабиевнинг "Юртим" ва шартнома асосида хизмат қилаётган олдий аскар М. Миртурсунов ижросидаги "Орзу ижобати" қўшиқлари тадбир иштирокчилар руҳини янада кўтариб, юқори кайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛ!



ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига сайёҳлик қўламини ошириш касба уюшмалари олдидаги энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Шунга асосан UMS масъулияти чекланган жамияти касба уюшмаси қўмитаси ҳам иш берувчининг яқин кўмаги билан 41 нафар ходимнинг қадим

ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳрига сайёҳатини ташкил этди. Ходимлар икки кунлик сайёҳат давомида Абу Али ибн Сино музейи, Арк қалъаси, Лаби Ҳовуз жамғуари ва Баҳоуддин Нақшбанд зiyorтоҳларида бўлишиб, пойтахтга олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

— Сайёҳатимиз бу билан тугамайди, — дейди компания касба уюшмаси

қўмитаси раиси Анварбек Назарбеков. — "Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини белгилаб оланмиз. Кейинги сайёҳатларимизда қадим Самарқанд ва Хива шаҳрларига боришни мўлжаллаб турибмиз.

М.ИДРИСХЎҲАЕВА



БУХОРОДА ЮЗ НАФАР АЛОҚАЧИ БЕЛЛАШДИ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда соҳа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018 йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича ишлаб чиқилган қўшма тадбирлар режасида тизимдаги корхона ва ташкилотларда фаоли-



ят кўрсатаётган ходимларнинг байрам кунларидаги дам олишларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғломлаштириш ва тегишли маданий тадбирларни талаб даражасида ўтказиш белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами арафасида минифутбол бўйича Кўча кубок учун мусобақалар Бухоро шахрининг сўлим гушаларидан бири — "Жуйзар" соғломлаштириш масканида ўтказилди. Республика финал турнирида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан ташриф буюрган 100 нафардан зиёд соҳа ходимлари беллашди.

"Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган маънавий соати давомида меҳмонлар Бухоро шахридаги фаолият юритаётган ҳамкасблари билан тажриба алмашиш ҳамда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, меҳнат муносабатларини тартибга келтириш ва муносиб меҳнат шароитини яратиш борасида олиб бораётган ишлари билан танишишди.

Бухоро қадамжолари — Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси, Арк қалъаси, Лабиҳовуз, Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмаи Айюб, Мир Араб мадрасаси, Масжиди Калон ва бошқа бир қатор умрбоқий обидаларга уюштирилган саёҳат меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Минифутбол бўйича Кўча кубок учун финал мусобақалари барчани Бухоро шахридаги "Ёшлик" спорт мажмуасига чорлади.

Қуръа ташлаш натижасида дастлабки ўйинни бошлаб бериш масъулияти "ТШТТ-1" ва Фарғона вилояти терма жамоаси чекига тушди.

Соҳа ходимлари ўртасида тобора оммалашиб бораётган мазкур спорт турнири жамоалар ўртасида зўр қизи-

қиш, рақобатчилик маданияти, шиддат ва шижоат, қизгин беллашув, мардлик ва ғайрат, тезлик ва эпчилликни намоён этиш билан бошланди. Бу айниқса, "ТШТТ-1" жамоаси аъзолари ўйинида кўзга яққол ташланди. Улар турнир давомида юксак маҳорат намуналарини кўрсатиб, яқинда фахрли 1-ўриндан жой олишга ва шу тариқа Кўча кубокни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Иккинчи ўрин эса Сурхондарё вилояти терма жамоасига насиб этди. Учинчи ўринни бир йўла икки жамоа — "Ўзбектелеком" АКнинг "ТШТТ-2" ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Тошкент филиали терма жамоалари эгаллади.

Бухоро вилояти терма жамоаси "Энг ғалабага интилувчан жамоа", АТ "Алоқабанк" терма жамоаси "Энг интизомли жамоа", Хоразм вилояти терма жамоаси "Энг фидойи жамоа", Фарғона вилояти терма жамоаси "Энг иродали жамоа" номинациялари бўйича алоҳида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев, Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ғулом Сафаров, вазирлиқнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаев ва бошқалар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, қолаверса, ички туризмини ривожлантиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлаб, ушбу тадбирнинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларига ўзларининг самимий тилакларини билдиришди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига фахрий ёрлиқлар, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Равшан НОРАЛИЕВ,

Тошкент вилояти терма жамоаси мураббийи:

— Финал баҳсларида дўстлик ғалаба қозонди, десам, алашмаган бўлман. Бинобарин, ушбу спорт тадбирини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шу. Ҳужумчиларимиздан Фарҳод Деҳқонбоев, ҳимоячи ва ярим ҳимоячилардан Маъмуржон Умаров ва Улугбек Холбоевлар ва бошқалар майдонда ўз маҳорат ва эпчилликларини намоён этиб, совринли ўринни қўлга киритиш имконини яратдилар.

Бухоронинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига уюштирилган саёҳат эса узоқ вақт давомида хотирамизда муҳрланиб қоладиган бўлди.

Абдулҳамид МАЛИКОВ,

Сурхондарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси бошлиғи:

— Финал баҳслари доирасидаги дастлабки ўйиндаёқ футболчиларимизнинг ўз рақиблари устидан 6:2 ҳисобида ғалаба қозонгани уларнинг шундан кейинги беллашувларда ҳам устунликка эришишларини таъминлади, деб ўйлайман. Финалдош тайёргарлик машқлари Тошкент давлат тиббиёт академиясининг Термиз филиалига қарашли ёпиқ ўйингоҳда ўтказилгани ҳам муваффақиятимизда ҳал қилувчи омил бўлди.

Раъно ТЎРАЕВА,

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг ташкилий масалалар бўйича бош мутахассиси,
Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

ICTWEEK UZBEKISTAN 2018

пройдет с 24 по 29 сентября в Ташкенте и Джизаке

С 24 по 29 сентября в Ташкенте и Джизаке пройдут мероприятия Недели информационно-коммуникационных технологий Узбекистана – ICTWEEK Uzbekistan 2018. Это событие традиционно объединит ряд специализированных мероприятий в единый формат.

ICTWEEK является крупным и важнейшим мероприятием, которое проходит на ежегодной основе с 2004 года в сфере информационных технологий Узбекистана. Мероприятие объединяет Форум, Выставку, пресс-конференции, а также множество других мероприятий, премий, презентаций и акций.

Главной задачей проведения ICTWEEK является создание площадки для обмена опытом и демонстрации достижений современных технологий и инноваций. А также это идеальная площадка для демонстрации привлекательности ИТ рынка Узбекистана иностранным инвесторам, взаимодействия государства, компаний и потребителей.

Мероприятие пройдет при поддержке Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан. Орга-



низаторами ICTWEEK Uzbekistan 2018 являются ICTNEWS Conferences (ООО "CIBGROUP") и Ассоциация предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана.

Открывающими мероприятиями ICTWEEK станут: пресс-конференция 24 сентября в г. Ташкенте для представителей средств массовой информации, на которой журналисты смогут задать все интересующие вопросы и подробно узнать о мероприятиях Недели информационно-коммуникационных технологий, а также 25 сентября в г. Джизаке брифинг для СМИ совместно с проведением акции "Информационные технологии детям".

Форум DIGITAL UZBEKISTAN, который пройдет в фор-

мате панельной дискуссии 26 сентября в конференц-зале НВК "Узэкспоцентр", позволит участникам подвести итоги развития ИТ-сферы текущего года, обсудить стратегические задачи, стоящие перед отраслью, проведение диалога между правительством и инвесторами в лице международных ИТ-компаний и венчурных фондов. Вторая часть программы Форума посвящена обсуждению, потенциала и перспектив стран Центральной Азии в развитии глобальных тенденций информационно-коммуникационных технологий. Участники Форума это руководители государственных органов управления, руководители предприятий и организаций сферы связи и информационных технологий, международные экс-

перты и аналитики, представители международных ИТ-компаний.

Панельная дискуссия Форума содействует выработке стратегических решений и программ, направленных на развитие отрасли информационных технологий страны. На Форуме проводится анализ противоречий, оценивается потенциал развития и возможности для его реализации. Кроме этого, перед форумом стоит главная задача, создать все условия для продвижения инициатив местных ИТ-компаний. В г. Джизаке пройдет Региональный форум 31-27 сентября.

Важное место в ICTWEEK занимает выставка информационных технологий ICTEXPO, в которой примут участие свыше 100 компаний-экспонентов. Павильоны 1 и 2 НВК "Узэкспоцентр" планируют принять более 35 тысяч посетителей за три дня. Выставка пройдет в Ташкенте с 26 по 28 сентября и 26 и 27 сентября Региональная Выставка ICTEXPO в г. Джизаке.

Завершает Неделю информационно-коммуникационных технологий Узбекистана Церемония награждения и закрытия, которая пройдет 29 сентября в г. Ташкенте.

ОСЕННЯЯ АКЦИЯ

УНИВЕРСИТЕТ ИНХА В Г. ТАШКЕНТЕ ПРОВЕДЕТ АКЦИЮ "ЧАС ПРОГРАММИРОВАНИЯ"

Осенняя акция "Час программирования" для детей в возрасте от 9 лет пройдет в Университете ИНХА в г. Ташкенте (ИУТ) 4 сентября 2018 года.

Акция проводится по случаю Дня независимости Республики Узбекистан, который ежегодно отмечается 1 сентября.

В 2015 году Университет

ИНХА в г. Ташкенте запустил проект Codecraft для детей в возрасте от 9 лет. Целью проекта является обучение детей усидчивости, работе за компьютером, и помощь в раскрытии их творческого потенциала.

В рамках проекта проводятся занятия по программированию на языке Scratch, занятия по разработке мобиль-

ных приложений на платформе Android при помощи MIT App Inventor 2, и занятия по созданию веб-сайтов.

В ходе акции в течение часа участники акции получат базовые знания по созданию игр, мобильных приложений и созданию веб-страниц.

Дети от 9 до 12 лет могут принять участие в занятиях по

созданию игр, от 12 до 15 лет в занятиях по программированию на Android, а дети от 15 лет и выше смогут получить базовые знания по созданию веб-сайтов.

Для участия в акции необходимо пройти предварительную регистрацию на сайте <http://codecraft.uz/hour-of-code/>. Количество мест ограничено.

ПРОЕКТЫ

ХОТИТЕ ЗАПУСТИТЬ СТАРТАП?

Подавайте заявку для участия в "Стартап-инициативы"

В Узбекистане начался прием заявок для участия в третьем цикле Программы поддержки молодежных стартап-инициатив. В этом году помимо колоссального опыта в создании стартапа, пять лучших команд получат денежные инвестиции на развитие своего проекта.

Программа "Стартап-инициативы" реализуется с 2016 года и направлена на оказание поддержки молодежи в создании собственного стартапа и развитии навыков предпринимательства. Программа является продуктом совместной деятельности ПРООН, Торгово-промышленной палаты, и в этом году реализуется совместно с Министерством инновационного развития и Союза молодежи в рамках реализации задач, определенных в государственной программе "Yoshlar-kelajagimiz", при финансовой поддержке Посольства Великобритании в Узбекистане.

Как будет проходить отбор в Программу?

Отбор в Программу будет осуществляться на основе онлайн-заявок и интервью с командами. Приветствуются проекты и команды, возглавляемые девушками или в со-

ставе команд которых участвуют молодые женщины в качестве со-основателей.

Что включает в себя Программа?

Команды лучших проектов, определенных членами жюри, смогут принять участие в Программе и пройти базовый курс обучения по развитию стартап-проектов на основе методологии Lean Startup ("бережливый стартап").

С учетом опыта первых двух циклов, акцент будет сделан на проведение встреч с экспертами и менторами и оказание практической поддержки в реализации отобранных стартапов. Эксперты окажут помощь при валидации идей проектов, тестировании ценностных предложений и предполагаемых гипотез, разработке MVP (минимальной работоспособной версии продукта), проработке бизнес-модели проекта, поиске каналов продаж и подготовке презентации для инвесторов.

Команды самых успешных проектов получат возможность представить свои проекты перед потенциальными инвесторами на завершающем мероприятии "Demo Day" и форуме по инновациям. Лучшие пять проектов по итогам "Demo Day" получат де-

нежные средства в виде безвозмездных инвестиций на развитие своих стартапов. В этом финансовую поддержку окажут Министерство инновационного развития и Союз молодежи.

В этом году отдельные семинары и мастер-классы будут проведены, помимо Ташкента, в Наманганской и Самаркандской областях и в Республике Каракалпакстан. В каждом регионе планируется отобрать до 30 лучших проектов для участия в Программе поддержки. По завершению регионального этапа программы, по 3 лучших проекта, выбранных экспертной группой, получат возможность участвовать в финальном "Demo Day" в Ташкенте.


Как стать участником?

Информация о том, как принять участие в программе, о критериях отбора проектов и требованиях к участникам размещена здесь: <http://startup.chamber.uz>

Крайний срок подачи заявок – 17 сентября 2018 года.

Чтобы быть в курсе новостей, подписывайтесь на страницу программы в социальной сети Facebook: <https://www.facebook.com/startupuzb>

УЛКАН МУВАФФАҚИЯТ — КАТТА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИКНИНГ МЕВАСИ



Хулоса
қилишимиз
мумкинки,
бой ва
муваффақиятли
бўлишимиз
ўтмишимизга
боғлиқ
эмас.

Хаёт мўъжизаларга бой. Акс ҳолда, олдий, омадсиз болалик соҳиб-ларидан буюк ва етакчи инсонлар етишиб чиқмаган бўлар эди. Инсон ҳаракат қилса, ўзига муносиб умрга эриша олади.

Муваффақиятга эришиш истагида бўлганлар муваффақият-сизликлари сонини икки баробарга оширсинлар, деган эди донишманд-лардан бири. Юқорида қайд этганимдек, тарихга диққат билан назар солсангиз, барча буюк ҳикоялар тағзаминида аслида катта йўқотишлар, мағлубиятли даврлар турган бўлади. Бироқ, муваффақиятли одамлар бу бўҳронлар қушовида қолиб кетмайдилар.

Қуйида аввалига омадсиз ёки билимсиз, деб ҳисобланган, аммо кейинчалик жамиятнинг ва жаҳоннинг нуфузли инсонларига айланган шахсларнинг ҳаётларидан қисқа лавҳаларни ўқишни тавсия қиламан.

Ҳарланд Дэвид Сандерс. KFC компания-сининг рамзида бу инсоннинг чеҳрасини кўп кўрганмиз. Бу чол ҳар гал бизни Kentucky Fried Chicken компания-сининг мазали, қовурил-ган жўжасини иштаҳа билан ейишга таклиф қилади. 1890 йилда туғилган Ҳарланд Дэвид Сандерс 6 ёшида отасидан айрилиди. Угай ота уни акаларига қўшиб бошқа шаҳарга баларға қилади. Ёшлғиданоқ пазандаликка қизиқиши юқори бўлган Сандерс 1939 йилда 11 хил пиёҳ ва зирavor ёрдамида жўжа қовуришининг анги

усулини кашф қилади. 1950-йилларда бу таом Кентуккидаги энг машҳур таомга айланади. Бугунги кунда KFC ресторанининг 118 давлатда жами 20 мингта яқин бўлинмалари бор. Уларнинг пештоқини Сандерснинг табассум қилиб турган сурати безаб турибди.

Стивен Спилберг. У Жанубий Калифорния кинофилм университети-га киришни доим орзу қиларди. Бироқ 12 ёшида 8 дақиқали филм яратган Стивен юқори мактабда олган паст баҳо-ларини туфайли уч марта кетма-кет уриниб ҳам бу ўқув юртига кира олмади. Кейин ҳаммасини ташлаб, режиссёрликка қўл урди. Ўн икки мартаба “Оскар” мукофотининг “Энг яхши филм учун” номинациясида тақдир-ланган ижодкорнинг бутунги муваффақият-ларидан ўзингиз бохабар-сиз. Бир вақтлар уни қабул қилмаган универ-ситет 1994 йилда Сти-венга фахрий диплом берди. 1996 йилда эса режиссёр бу университет-ни оталиққа олди.

Соичиро Ҳонда. У темирчининг ўғли, “япониялик Генри Форд”. Соичиро болали-гидан отасига қарашар эди. Улар биргалашиб мотоциклларни ҳам тузатишган. У 15 ёшида уйдан чиқиб, Токиога йўл олади. Соичиро Ҳонда иш излаб Toyota компаниясига келганида уни ишга олишмаган. Урилиб-сурилиб яшалган умр, ҳақорат ва таҳқиро-муз ўтган йиллардан сўнг, Соичиро 22 ёшида

ўзининг илк автомобил-ларни таъмирлаш устахонасига асос солади. Кунларнинг бирида у мотоцикл ясай бошлаган. Бир фурсат ўтиб, меҳнат ва машаққат билан ўтган кунлар ва тунлар эвазига Соичиро Ҳонда ўзининг Honda Motor Co., Ltd. компаниясига асос солади.

Уолт Дисней. Газетада ишлаб юрганида муҳар-рир уни ишдан ҳайдаб юборади. Унга тасавву-рининг ривожланмагани, бу билими билан ҳеч қаерда ишлай олма-лиги, бу калладан фақат пуч гоялар чиқиши мумкин-лиги айтилади. Шундай бўлса ҳам, Уолт Дисней пуч гояларига ишонди, ўз компаниясига асос солиб, бизнесда ўзини синаб кўрмоқчи бўлди. Аммо унинг омади келмайди. Уолтда умидсизликка тушмаслик фазилати бор эди. Кейин у “Қорқиз” мультфилми-ни сураатга олди. Ниҳоят, бу иши унга оламшумул нуфуз олиб келади. Ўзингиз гувоҳсиз, бизнинг авлод болалари ҳам унинг компанияси яратган ижодий ишларни яхши кўра-миз, бутунги авлод ҳам янги филмлар-дан илҳомланиб улғай-моқда.

Алберт Эйнштейн. Олимнинг болалиги ҳам огир ўтган. У тўрт ёшга кирганидагина тапира бошлаган ва етти ёшида ёшишни урганган. Ўқитувчилари унга нуқул тайинли одам бўла олма-лигини, ақли пастлигини айтиб, хафа қилишган. Лекин Эйнштейннинг ўзига хос дунёси, фикрлаш усули бор эди. Кун келиб у

физика бўйича Нобел мукофотини олганида унинг ўқитувчилари лаб тишлаган бўлсалар, ажаб эмас.

Исаак Нютон. Унга оилавий фермани бошқариш вазифаси топширилган кундан бошлаб моллар кирилиб, боғлар қурий бошлайди, ферманинг тез орада инқирозга юз тутиши аён бўлади. Исаакдан фермер чиқмаслигини билган оила бўлажак олимни ўқитишга аҳд қилган ва шаҳарга жўнатган. Исаак Нютон Кембриж университети-га кириб, физикани ўзлаш-тира бошлаган. Олма эса унинг бошига анчадан кейин, дароҳт тагида дам олаётганида тушган.

Генри Форд. У ҳам болалигиданоқ тақдир зарбасини тапиб кўрган. Генрининг ота-онаси ёшлғиданоқ вафот этиш-ган ва у қўшилиб қўлида вожа етган. Генри Форднинг биринчи автомобил компанияси инқирозга юз тутган. Иккинчиси эса шерик-лари билан чиқишга олмай ўзи ташлаб кетган. Учунчи компанияда савдо қўла-ми паст бўлган. Аммо жаноб Генри бўш келмаган. Кейинроқ у америкалик талбиркорлар орасида энг машҳурлардан бирига, “автомобил саноати отаси”га айланган.

Жеймс Дайсон. Бу британиялик тиниб-тинчимас одам энг яхши чангпотиични яратиш учун 15 йил двомида роппа-роса 5126 хил чангпотиич намунасини яратган. Уни ўз юртида ҳеч ким қўламаган. Япониялик сармоюдор-

нинг ёрдами билан у ўзи истаганидек беками-кўст чангпотиични яратишга эришган. Бугунги кунда жаҳонда айнан Dyson белгиси қўйилган чангпотиичлар энг қиммат ва кўп сотилар экан. “Муваф-фақиятдан ўрганиб бўлмайди, бироқ муваффақиятсизлик — катта билим”, дейди ихтирочи.

Жоан Роулинг. Номи чиқмаган бу адабанинг ишлари тўсатдан орқага кетди: ичкиликка муккасида кетган турмуш ўртоғи билан ажрашгач, ўзи ва қизини боқиш учун янада кўпроқ ёзиши кераклигини тушуниб етди. Тун палласи, қизи уйкуга кетгач, у Гарри Поттер ҳақидаги илк романини ёза бошлади. Аввалига 12та ношир рад этган бу асар айни пайтда 80га яқин тилга таржима қилинган ва муаллифга 20 миллиард доллар маблағ олиб келган. Ҳозир бу асар халқаро даражада энг кўп сотиладиган китоблар қаторидан жой олган. Айтишларича, Роулинг хоним китоб ёзиб миллиардлер бўлган илк ёзувчилардан.

Стивен Кинг. Амери-ка ва жаҳоннинг таниқ-ли адабларидан бири. Адиб оила қургач, иқтисодий қийинчилик-ларга дуч кела бошлай-ди. Ёш оилада телефон харажатларини қоплаш учун ҳам ортиқча маблағ йўқ эди. Унинг моддий жисмларга таъсир ўтказа олувчи қиз ҳақидаги “Кэрри” номли романи аввалига ўзига ҳам ёқмайди ва адиб уни ахлат челагига ташлаб юборган. Аммо белор тунлари ва машаққатла-рига гувоҳ хотини кўл-ёзма-ни топиб олиб, алибни асарни наشريёт-га беришга кўндирган. Стивен Кингнинг 60дан зиёд илмий-фантастик романлари асосида юзлаб филмлар ишлан-ган, улардан бир қанчаси Оскар мукофо-тини олган. Алибни бутун танимаган ўқувчи бўлма-са керак. Кинг-нинг романлари дунё-нинг турли тилларида 400 миллион нусхада чоп этилган.

Хулоса қилишимиз мумкинки, бой ва муваффақиятли бўли-шимиз ўтмишимизга боғлиқ эмас.

Шухрат САТТОРОВ

ХАЛИЛИЛЛО ТЎРАХЎЖАЕВ: “ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ “ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ” БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС”



Давлат хизматлари ва “электрон ҳукумат” — битта нарсамми? Нега давлат ташкилотлари давлат хизматларини бузаяпти? “Сирли мижоз” ким?... Давлат хизматлари агентлиги директори Халилullo Тўрахўжаев “Xabar” газетаси мухбирининг ана шундай кўплаб саволларига жавоб берди.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб жами 201та Давлат хизматлари маркази қарийб 100 турдаги хизматларни инновацион технологияларни қўллаган ҳолда, тезкор, қулай, шаффоф ва сифатли тарзда кўрсатиб келяпти. 2018 йилнинг 1 апрелидан юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Сўхбатимиз аввалида кўпчиликини қизиқтираётган саволга аниқлик киритиб олсак: Давлат хизматлари агентлиги ва “Электрон ҳукумат” тизимининг фарқи нимада? Уларнинг йўли бошқа-бошқамми ёки битта йўналишда ишлаётган иккита тизимми?

— Электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган тизим.

Давлат хизматлари агентлиги эса аҳолига ва тadbиркорларга талаб юқори бўлган давлат хизматларини кўрсатишда ягона давлат сиёсати-

ни олиб боровчи орган сифатида электрон ҳукуматнинг аксарият қисмини ташкил этади. Яъни, бугунги кунда ҳалқимизга тезкор, қулай ва шаффоф хизматларни кўрсатишда инновацион ахборот технологияларига таянилади.

— Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қандай ўргана-сизлар, хизматларни йўлга қўйишда ва барқарор ишла-тишда қандай муаммоларга дуч келясиз?

— Аҳоли билан учрашувлар, 20 мингдан ортиқ тарғибот тadbирлари ўтказдик. Олис қишлоқ ва маҳаллаларда уйма-уй кирилиб, одамларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Кейин талаб юқори, тақдим этилиши мураккаб бўлган давлат хизматларини жорий этиш бўйича маъмурий регламентлар (тартиб) ишлаб чиқишга киришилди. Аввалги тартибни соддалаштириш, тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини камайтириш, белгиланган муддатни қисқартиришга жиддий эътибор қаратилди.

Давлат органлари томонидан хизматларни кўрсатиш муддатларининг бузилиши асосий муаммолардан бўлиб ту-

рибди. Масалан, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 12000дан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Айниқса, ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини бузиш (чўзиш) каби ҳолатлар кўп учраяпти.

— Бунга сабаб нимада? Қонунбузарларга чора кўриляптими?

— Муаммонинг асосий сабаблари: вазирлик ва идоралар электрон ҳужжат алмашинув тизимига ўз вақтида уланмаяпти, давлат хизматини кўрсатиш учун масъул ходимларнинг кўнимсизлиги кузатиляпти, энг ачинарлиси, давлат хизматини кўрсатишга иккинчи даражали вазифа сифатида қаралмоқда.

Шу пайтгача Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан аксарият қонун бузилиши ҳолатлари дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия беришда, болаларни давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштиришда, муҳандислик коммуникацияларига уланишда,

объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат беришда, тураржойларни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда, қурилиш тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилишда аниқланди.


Қонун бузилиши ҳолатларини идоралар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, асосан маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари, архитектура ва қурилиш органлари, газ, электр тармоқлари корхоналари, мактабгача таълим органлари ва кадастр идораларига тўғри келмоқда.

Агентлик томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан ўз вақтида ҳуқуқий таъсир чоралари кўриб келинмоқда.

Бу борада, жорий йилнинг 23 июлида қабул қилинган “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эндиликда Давлат хизматлари агентлиги директори ва унинг ўринбосари, агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколати берилди.

— Марказлар орқали кўрсатилаётган хизматлардаги янгиликларга ҳам тўхталиб ўтсангиз. Умуман, бугун одамлар ДХМга асосан нима мақсадда келишмоқда?



— Давлат хизматлари кўрсатишдаги энг муҳим янгилик — такрор бўлса ҳам айтаман, 2018 йилнинг 1 апрелидан аҳолига ҳам ДХМлар орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилгани бўлди.

Қолаверса, бу йил 1 июнидан мамлакатимизнинг 14та ҳудудда тажриба тариқасида қўшимча 31та давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилди. Синовдан ўтаётган бу хизматлар айнан одамларнинг талаби юқори эҳтиёжлари асосида шакллантирилди. Масалан, тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, фуқароларга СТИР рақами, судланганлик тўғрисида маълумотнома бериш кабилар. Бу хизматлар қисқа муддатларда, ортиқча ҳужжат ва оворагарчиликларсиз кўрсатилаяпти.

Бизга мурожаат қилаётган аҳоли ва тадбиркорлар сони кундан-кунга ошиб бораёпти. Авваллари тадбиркорликни йўлга қўяман, у ёки бу кундалиқ ташвишлар билан боғлиқ ҳужжатни тўғрилайман, деб кўпчилик сарсон бўларди. Давлат хизматлари марказлари — ушбу масалаларнинг ўзига хос ечими. Бунини ушбу рақам миқсолида ҳам кўриш мумкин: агар 2017 йил давомида 120 минг хизматлар “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатилган бўлса, 2018 йил апрел-июн ойларининг ўзида бу кўрсаткич бир миллиондан ортди.

— Давлат хизматларини тақдим этишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни жуда катта. Бу жараён қай тарзда кечаяпти, технологияларни ишлатишда ҳамкорларнинг кимлар?

— Агентлик бу борада бир қатор идоралар билан ҳамкорликда ишляпти. Зарур ахборот тизимлари, ресурслар, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш ҳамда аппарат-дастурий комплексларни ўрнатилишнинг концепцияси ва техник топшириғига асосан, Дав-

лат хизматлари марказлари компьютер ускуналари ёки интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун республиканинг барча туман (шаҳар)лари интерактив инфокиосклар билан таъминланди.

Хизматларни олишда одамларнинг вақтини тежаш мақсадида марказларда электрон навбат тизимини жорий этиш, қўшимча қулайликлар яратиш бўйича зарурий ўрганишлар ўтказилиб, тест тартибида ишга туширилди. Электрон навбат тизимини 2018 йилнинг 1 сентябрга босқичма-босқич ушбу тизимга эҳтиёж юқори барча давлат хизматлари марказларида ишга туширишни режалаштирганмиз.

Тезкор алоқалар, расмий веб-саҳифалардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизими ташкил этилди. Агентлиكنинг davxizmat.uz веб-сайти, Facebookда “Davlat xizmatlari agentligi” саҳифаси очилди ҳамда Telegram мобил иловасида “Davlat xizmatlari” канали ишга туширилди, info@davxizmat.uz электрон почта манзили ҳамда davxizmat@exat.uz идоралараро тезкор электрон ҳужжат алмашинуви тизими йўлга қўйилди.

Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда электрон давлат хизматларини кўрсатганлик учун бож йиғими ва бошқа тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш (ягона биллинг тизими) механизми ишлаб чиқилди.

— Соҳа фаолиятига баҳо бериш мақсадида ижтимоий тармоқларда аҳоли фикри ўраганилганда, ижобий мулоҳазалар билан бир қаторда, эътирозлар ҳам мавжудлиги аниқланибди.



— Доимий равишда аҳолининг соҳа фаолияти юзасидан фикр-мулоҳазалари ўрганиб борилади. Сўнгги таҳлилларга кўра, одамлар марказ ходимларининг малакаси етарли эмаслигидан норози эканликларини билдиришган. Масала юзасидан Агентлик махсус комиссия тузиб, республикамиз бўйлаб жойлашган барча Давлат хизматлари марказларида ходимларни аттестациядан ўтказаяпти. Бундан ташқари, ходимлар учун махсус “маҳорат дарслари” режа-жадвали тасдиқланди.

Қолаверса, марказларда хизматлар кўрсатишда турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Сирли мижоз” тадбирларини ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бу тадбирларда ходимларнинг муомаласи, малакаси ҳамда одоб-ахлоқига оид бошқа жиҳатлари ўрганилиб, таҳлил қилиняпти.

— Давлат хизматлари ягона реестрига ҳам тўхталиб ўтсангиз. Хизматлар сони қанчага етди? Ҳаммаси ҳам ДХМ орқали йўлга қўйиладими?

— Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиришда фуқаролардан, вазирлик ва идоралардан қўллаб-тақлиф ва

тавсиялар олинди. Улар берган таклифлар бевосита вазирлик ва идоралар билан биргаликда қайта ишланди ва натижада 693та давлат хизматидан иборат ягона реестр шакллантирилди. Бу реестрга 79та вазирлик ва идоранинг давлат хизматлари киритилди.

Ушбу реестр Адлия ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари қарорига асосан тасдиқланди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

Албатта, ушбу реестр билан давлат хизматларини шакллантириш тўлиқ охирига етказилди, дегани эмас. Кейинчалик давлат хизматларига янги хизматлар қўшилганда, номи ўзгарганда ёки давлат хизматлари бўйича янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганда реестрга ҳам тегишли ўзгаришнинг ва қўшимчалар киритиб борилади.


Кўпчиликда “Ушбу реестр нима беради?”, деган савол туғилиши табиий. Давлат хизматларининг ягона реестрини қабул қилишдан мақсад — давлат хизматларининг рўйхатини шакллантириш, қайси вазирлик ва идоралар томонидан қандай давлат хизматлари кимларга қай усулларда, бепул ёки ҳақ эвазига кўрсатилишини белгилаб олиш ҳисобланади. Ушбу реестрнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатиш тақиқланади.

Ҳозирги вақтда умумий ҳисобда 100га яқин давлат хизматлари ДХМлар орқали кўрсатилаётган бўлса-да, бу рақамлар ўсишдан тўхтаб қолмайди, албатта. Хусусан, 2021 йилга қадар босқичма-босқич яна 50дан ортиқ давлат хизматларини ДХМлар орқали кўрсатишни амалиётга жорий этиш белгиланган.

— Мазмунли суҳбат учун катта раҳмат! Ишларингизда ривож тилаймиз.

Собит АҲАДОВ суҳбатлашди

“
Дастлаб
30дан ортиқ
давлат
хизматлари
кўрсатилган
бўлса, 2018
йилда — 80та,
2019 йилда —
122та, 2020
йилга бориб
160дан ортиқ
давлат
хизматларини
фақат Давлат
хизматлари
марказлари
орқали
кўрсатиш
режалаштирилган.”



10 АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

КЎНГИЛЛАРДА ҒУРУР ВА ШИЖОАТ



“ Ҳозир мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, ҳамюртларимиз қалбида сурур, юзларида табассум.



Юрдошларимиз катта хурсандчилик билан давлат Мустақиллигининг 27 йиллик тўйини арзирли ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Бу қутлуғ байрам олдида меҳнат жамоаларида ўтказилаётган тадбирларда эса мустақиллик йилларида эришилган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик ҳақида фикр юритилляпти, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар ва уларнинг аҳамияти таҳлил этиляпти.

“UNICOIN. UZ” давлат унитар корхонасида “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” мавзuida ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда ҳам шундай бўлди.

Тадбирга тақдир этилган Ўзбекистон халқ артистлари Афзал Рафиқов ҳамда Ёдгор Саъдиевлар мустақилликнинг аҳамияти, шунингдек, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Жумладан, Афзал Рафиқов шундай деди:

— 2005 йили Америка Қўшма Штатларига ижодий сафар қилган эдим. Океанорти мамлакатининг чекка бир шаҳри меҳмонхонасидаман. Бир пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, “Америка овози” мухбири экан. У иккита саволига жавоб беришимни сўради. Улар “Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?” ҳамда “Мустақиллик сизга нима берди?” эди.

Мен ушбу саволларга жавоб бериш учун ҳозирланар эканман, қалбим жунбушга келди, мустақилликгача бўлган ҳаётим, икки йўл орасида қийналганларим эсимга тушди. Ўша даврларда вужудимда иккита руҳ яшарди гўё. Бир томиримда гупиллаб турган мусулмон қони, иккинчиси ташқи муҳит. Мен ўзбек хонадонидида туғилсамда, ўша давр тақозосига кўра, рус мактабидида, рус тилидаги адабиётларни ўқиб воёга етганман, ўртоқларим ҳам руслар эди. Мени ҳеч ким ўзбек демасди.

Минг шукрки, юртимизга истиқлол эпкини кириб келди. Ва мен ўз йўлимни топиб олдим. Мустақиллик менга ўзигимни танитди. Мустақиллик ту-

файли номи унутилаётган Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, имом ат-Термизий, Мотурудий каби дунё мусулмонлари тан олган азиз боболаримизни яқиндан таниб, улар билан фахрлана бошладик. Энг муҳими, онгимизда катта ўзгариш содир бўлди. Энди биз мустақиллик энг катта неъмат эканлигини, уни асраб-авайлаш лозимлигини тушундик.

Мустақиллик, менинг назаримда, улкан масъулият. Бу юкни кўтара билиш, уни мустаҳкамлаш учун фидоилик билан хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

— Бундан икки ой олдин Оҳангарон туманида хизмат сафаридида бўлган эдим, — деди Ёдгор Саъдиев. — Ўшанда туманда ўтказилган маърифат тадбирида иштирок этдим. Яқинда кам таъминотли оиладан бўлган икки ёшнинг тўйига яна бордим. Лекин борган кўчанни танимадим. Йўллар текислашиб, қатор кўп қаватли уйлар тушибди. Ана шундай сафарлар давомида Манас, Жом қишлоқларида, Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида бўлдим. Ўзгаришлар шу даражада каттаки, кўриб ақлим шошалади.

Юртбошимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган талаби замирида ҳам инсон омилига бўлган катта эътибор ётибди. Бугун юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар учун ҳамма шароит яратилган. Ёшгина набирам инглиз, хитой, рус ва япон тилларини билади. Бошқа оилаларда ҳам шундай. Фақат яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратмоғимиз керак. Афсуски, мавжуд шароитнинг қадрига етмай, Ғарб маданиятига тақдир қилаётганлар ҳам бор ораимизда. Уларни тўғри йўлга солиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тадбир савол-жавоблар асосида қизиқарли ўтди. Иштирокчилар илтимосига биноан Ёдгор Саъдиев бир нечта қўшиқ ижро этиб, барчани мамнун этди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” филиали**

**Юртдошларимизни
Ватанимиз мустақиллигининг
27 йиллик тўйи муносабати
билан табриклайди.**

**Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ,
ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.**

**Серқуёш юртимиз аҳолисини
яқинлашайтган
энг улғу, энг буюк байрамимиз —
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ
билан муборакбод этамиз!**

**“O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA
TARMOQLARINI BOSHQARISH
RESPUBLIKA MARKAZI” ДУК жамоаси**

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ” ДУК жамоаси**

**Азиз ўзбекистонликларни
Мустақиллигимизнинг шонли
27 йиллик шодиёнаси билан
муборакбод этади!**

**Осмонимиз мусаффо,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Жаннатмонанд
Ўзбекистон халқини
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
МУБОРАК 27 ЙИЛЛИК ТЎЙИ
билан табриклайди!**



КРИПТОВАЛЮТАЛАР

ГЛОБАЛ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ
1 ФОИЗИ МАЙНИНГГА КЕТАПТИ

Принстон университети олими Арвинд Нараян крипто-валюталар майнинги жаҳон электр энергиясининг 1 фоизини ишлатишини ҳисоблаб чиқди. Бу ҳақда Theoutline.com ёзмоқда.

Нараяннинг фикрича, ҳозир бу жараёни “яшиллаштириш”нинг асло иложи йўқ, фойда олишга қанча энергия сарфланишини аниқлашнинг ягона йўли — криптовалютанинг нархи.

“Агарда криптовалютанинг нархи ошса, уни ҳисоблашга энергия сарфи ҳам ошади. Агарда пасайса, электр энергияси сарфи ҳам озаяди. Қолган омиларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ”, — таъкидлайди у.

Нараяннинг ҳисоблашича, жаҳон бўйича айни пайтда криптовалюталар учун кунига камида 1 ГВт электр қуввати сарфланмоқда.




ИЛОВАЛАР

GOOGLE ШАХСИЙ
ЭМОДЗИ ЯСОВЧИ
ИЛОВА ЧИҚАРДИ

Google компаниясининг Mini иловаси чуқур машина ўқитиш, нейротармоқлар ва рассомларнинг асарлари асосида индивидуал эмодзи-символлар яратиш имконини беради, деб хабар бермоқда Engadget.

Иловани iOS ва Android смартфонларга ўрнатиш мумкин. Шахсийлаштирилган эмодзини яратишда кишининг хос хусусиятлари



— териси ва сочининг ранги, юз, қош, кўз тузилишлари инобатга олинади. Эмодзи ясаш учун фойдаланувчи ўзининг селфи суратини олса бас: сунъий интеллект суратлар базасидан унга энг ўхшаш эмодзини топиб беради.

ХАВФСИЗЛИК

ИСПАНИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ
САЙТИГА ХАКЕРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛДИ

Испаниянинг ABC газетаси ёзишича, номаълум хакерлар Испания Марказий банки сайтига ҳужум уюштирган.

Сайтга киришда муаммолар яқшанба (23 август) кунидан бошланганди, бу пайт давомида техник хизмат ишлашда давом этиб, киберҳужум оқибатларини бар-

тараф этиш билан шугулланди. Испан наشري банк жиддий зарар кўрмаганини, унинг маълумотлар базасига зиён етмаганини ёзган.

Воқеада Anonymous хакерлар гуруҳининг қўли борлиги гумон қилиняпти.

ФОЙДАЛИ ЕЧИМ

ХАШАРОТЛАР СМАРТФОН ЁРДАМИДА ЙЎКОТИЛАДИ

Хитой ФА Хефэй интеллектуал машиналар институти олимлари смартфонлар учун хашаротларнинг 50дан ортиқ турини аниқловчи илова ишлаб чиқишди ва синондан муваффақиятли ўтказишди.

Лойиҳа қатнашчиларидан бири — Се Чэнцзюнинг айтишича, ҳозир Хитойда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси тўқнаш келаётган энг катта муаммолар — пестицидларнинг ҳаддан зиёд кўп қўлланилаётгани, зараркунанда хашаротлар мониторинги яхши олиб борилмаётгани



ва ерга ишлов бериш технологияларидан етарлича фойдаланилмаётганидир.

Се Чэнцзю таъкидлашича, янги иловада сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилган бўлиб, унинг базасида зараркунандаларнинг 1 миллиондан зиёд суратлари бор.

Фойдаланувчи смартфонига хашаротнинг суратини олса ва иловага юкласа бас: илова буни базадаги суратларга таққослаган ҳолда хашаротнинг турини аниқлаб, унга қарши айнан қайси воситани қўллаш кераклигини маслаҳат беради.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАЪТИЛ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Европа кардиология жамияти шифокорлари 1,2 минг киши иштирокида 50 йил давом этган тадқиқот натижаларини эълон қилди ва узоқ муддатли таътил юрак касалликлари юзага келиши хавфини камайтириб, умрни узайтиради, деган хулосага келди. Бу ҳақда “РИА Новости” хабар берган.

Масалан, таътилга йилга уч ҳафта ёки камроқ вақтга чиққан бизнесменлар орасида бир ой тўлиқ

дам олганларга нисбатан 37 фоизга кўпроқ ўлим ҳолатлари қайд этилган.

Камроқ дам олганлар орасида зарарли одатлардан воз кечган, тўғри овқатланадиган ва жисмоний машқлар билан шугулланадиган кишилар ҳам бўлган. Хелсинки университети олими Тимо Страндбергнинг сўзларига кўра, соғлом ҳаёт тарзи организм учун узоқ муддатли таътил ўрнини боса олмайди.

“Соғлом ҳаёт тарзи ва

яхши овқатланиш тўлақонли таътил ўрнини боса олмайди, у эса стрессни йўқотиш ва юрак саломатлигини яхшилашда ёрдам беради. Бу айниқса, эркеклар орасида сезилади”, — деди тадқиқотчи.

Олимлар эслатишича, ҳар йили инфарктлар, инсултлар ва юрак фаолиятидаги сурункали етишмовчиликлардан дунёда қарийб 17 миллион киши вафот этади.

ХИТОЙ АФҒОНИСТОНДА
ҲАРБИЙ ЛАГЕР ҚУРМОҚДА

Хитой Афғонистонда терроризмга қарши курашиш мақсадида ҳарбий лагер қура бошлади.

South China Morning Post газетасининг ёзишича, Хитой ҳукумати терроризмга қарши курашиш мақсадида Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидаги “Ваҳан” йўлида ҳарбий лагер қура бошлаган.

Лагер барпо этиб бўлингач, Хитой Афғонистонга бир баталион ҳарбий жўнатишни режалаштиряпти.

“Ваҳан” йўлиги Хитой ғарбидидаги Шинжон вилоятига 350 километр масофада жойлашган.

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА
БИРИНЧИ МАРТА
АЁЛЛАРГА УЧУВЧИЛАР
ЛИЦЕНЗИЯСИ БЕРИЛДИ

Саудия Арабистони Фуқаролик авиацияси (GACA) бош бошқармаси беш нафар аёл учувчига лицензия бериб, уларнинг Saudi Arabian Airlines авиакомпанияси самолётларида экипаж командири бўлиб ишлашга рухсат берди, деб хабар берди Korrespondent.net.

Эслатиб ўтамиз, 24 июн кун Саудия Арабистонида аёлларга машина ҳайдаш имконини берувчи қирол фармони кучга кирганди. Июлда эса мамлакатда аёлларга нотариус бўлишга рухсат этилди.

ҲУКУМАТСИЗ ШИМОЛИЙ
ИРЛАНДИЯ РЕКОРДИ

Шимолий Ирландия салкам 600 кун ҳукуматсиз яшаб, жаҳон рекордини ўрнатди.

Аввалги ҳукумат муваффақиятсизликлари учраган экологик лойиҳа сабабли 2017 йилнинг январ ойида тарқаб кетган. Тез орада бўлиниш бошқа маланий ва сиёсий масалаларда ҳам кузатилган, ҳукумат ишини қайта тиклаш бўйича уришлар эса тўхтаб қолган.

Ирландияликларни бундай рекорд хурсанд қилмапти, улар оммавий намойишлар ўтказмоқда. Фуқаролар сиёсатчиларни келишиб олишга ва ишга қайтишга чақирмоқда.

Буюк Британия бирлашган қироллиги ва Шимолий Ирландиянинг марказий мутасаддилари ҳам шошилинч равишда юзага келган вазиятнинг ечимини топиш кераклигини қайд этмоқда.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

“UNICON.UZ” ДУК жамоаси



Ҳамюртларимизни,
жумладан, соҳанинг барча
вакиллари яқинлашадиган
Мустақиллик куни билан
самимий табриклайди.

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни
Истиқлолимизнинг
27 йиллик тўйи билан
қутлайди.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Азиз юртдошларимизни
энг қўлқ, энг азиз –
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан табриклайди!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Ҳамюртларимизни умумхалқ байрами –
Мустақиллик куни билан табриклайди.

Истиқлолимизга, ҳамжиҳатлигимизга
кўз тегмасин!

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Роҳиб эса бугун ҳам Нилуфар аёл ўзининг беш юз нафар фарзанди билан қандай учрашгани-ю, ота-она меҳрининг муқаддаслиги ҳақида санимийат ила нутқ ирод қилди. Нилуфар аёл беш юзта тухум қўяди. Тухумлар оқим бўйлаб сузиб кетади ва қўшни мамлакат подшошининг қўлига тушади. Бу тухумлардан чиққан беш юз баҳодир Нилуфар аёл оналари эканлигидан беҳабар, унинг қалъасига ҳужум қилади. Бундан хабар топган Нилуфар аёл қалъанинг минорасига қўтарилади ва дейди: "Мен беш юз нафарингизга ҳам онаман. Мана далил". Шундай дея у иккала кўкрагини чиқаради ва уларни чиройли қўллари билан сиқади. Онаизорнинг суги беш юзта булоқдан чиққандай баланд минорадан тизиллаб тўппа-тўғри беш юз баҳодирнинг оғзига тушади. Бу ҳинд афсонаси ваъз-насиҳатни шунчаки эшитаётган бечора аёлга жуда кучли таъсир кўрсатди. Шу боис ваъз тугаши биланоқ у қўз ёшларини артиб ҳам ўтирмай ибодатхонадан чиқди ва айвон бўйлаб роҳибни қидира кетди.

Бироз
сукутдан сўнг
меҳмонга
мурожаат
қилдим:

— Онангиз
ҳали ҳам
ҳаётмилар?

Саволимга
кутилмаган
жавоб олдим:

— Йўқ, у бир
йил аввал
оламдан ўтди.
Лекин, сизга
ҳикоя қилиб
берган аёл
онам эмас эди.

Тафсилотларини суриштириб бўлган, роҳиб Ниссо ўчоқ ёнида ўтирган Юноскэни ёнига чорлади ва уни беш йиллик айриликдан сўнг юзи нотаниш бўлган онаси билан учраштирди. Аёл алдамаётганини, афтидан, роҳиб тушуниб турарди. Юноскэни қўлига олган, у қўз ёшини зўрга тийиб олди, мурувватли роҳибнинг киприклариди эса табассум аралаш қўз ёши йилтиллади.

Кейин нима бўлганидан хабарингиз бор, албатта. Юноскэ онаси билан Йокохамага кетди. Эри ва ўғли ўлган, аёл киракашлик идорасининг кўнглидан ҳўжайини ва унинг рафиқаси йўл-йўриги билан одамларга тикишни ўргата бошлади ва камтарона, лекин қийналмай турмуш кечириш имкониятига эга бўлди.

Ўзининг узундан-узоқ ҳикоясини тугатаркан, меҳмон олдида турган пиёлани олди. Лекин унга лабини ҳам теккизмасдан менга қаради ва секингина қўшиб қўйди:

— Ўша ташландиқ бола менман.

Индамай бош ирғаб, чойнакка сув қўйдим. Ташландиқ бола ҳақидаги бу таъсирли

ТАШЛАНДИҚ БОЛА (Ҳикоя)



ҳикоя меҳмоним Мацубара Юноскэнинг болалик хотиралари эканлигини уни биринчи бор кўриб турган бўлсам-да, бошидаёқ тушунган эдим.

Бироз сукутдан сўнг меҳмонга мурожаат қилдим:

— Онангиз ҳали ҳам ҳаётмилар?

Саволимга кутилмаган жавоб олдим:

— Йўқ, у бир йил аввал оламдан ўтди. Лекин, сизга ҳикоя қилиб берган аёл онам эмас эди.

Ҳайратимни кўриб, меҳмон кўзлари ила табассум қилди:

— Унинг эри Асакусадати Тавара-мачида туруч дўконига эга бўлгани, Йокохамага кўчиб кетиб у ерда ишлагани — буларнинг ҳаммаси ҳақиқат, албатта. Лекин кейинроқ уларнинг болани ташлаб кетишганлиги ҳақидаги ҳикоялари ёлгон эканлигини билиб олдим. Онанинг ўлимидан бир йил аввал мен дўконимнинг ишлари бўйича — хабарингиз бор, мен йигирилган ип савдоси билан шугулланаман — Ниигата тарафларда юрардим ва ногоҳон поездда бир пайтлар онамнинг Тавара-мачи кўчасидаги уйига қўшни турган қоп сотувчи билан учрашиб қолдим. У менинг сўраб-суриштиришимни ҳам кутмай, онам ўшанда қиз туққани ва қизалоқ дўкон ёпили-

шидан олдин ўлиб кетганини гапириб берди. Йокохамага қайтган, мен шу заҳотиёқ онамга билдирмай оилавий рўйхатни қўздан кечирдим ва шуни аниқладимки, ҳақиқатан ҳам, қоп сотувчи айтгандай, онам Тавара-мачи кўчасида яшаган вақтлари қиз кўрган. Чақалоқ уч ойлигида оламдан ўтган. Онам қандайдир сабабларга кўра бегона болани, яъни мени ўғил қилиб олиш учун ташландиқ бола туғрисидаги воқеани тўқиб чиқарган. Шундан сўнг ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида мен ҳақимда куйиб-пишди.

Нима сабабдан у бундай қилганлигини, қанчалик ўйламайин, ҳозиргача ҳам тушуниб ета олганим йўқ. Чиндан ҳам шундай бўлганлигини билмайман, лекин онамнинг мени ўз тарбиясига олганлигига асосий сабаб, ҳойнаҳой, роҳиб Ниссонинг ваъз-насиҳати эридан ва боласидан ажраб қолган онам учун қаттиқ таъсир қилган бўлса керак. У ваъзини тингларкан, айнан мен танимаган она бўлишни кўнглига туккан. Афтидан, шундай. Мени ибодатхона олдида топиб олишганлигини, чамаси, ибодатхонага ваъз эшитиш учун таш-

Акутагава РЮНОСКЭ

риф буюрган қавмлардан билиб олган. Ёки унга бу ҳақда оқсоқ дарбон гапириб берган.

Меҳмоним жим бўлиб қолди ва бир нарсга эсита тушгандай ўйчан қиёфада чой ҳўплай бошлади.

— Демак, сиз онангизга унинг ўз ўғли эмаслигини ва бу ҳақда билишингизни айтдингиз, шундайми?

Бу саволни беришдан ўзимни тия олмадим.

— Йўқ, айтмадим. Бу онамга нисбатан ўта шафқатсизлик бўлган бўлур эди. Онам менга ўлимига қадар бир сўз ҳам демади. Бу ҳусусда оғиз очиб менга нисбатан шафқатсизлик, деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Ростини айтсам, унинг ҳақиқий ўғли эмаслигимдан хабар топган, онамга нисбатан туйғуларим бироз ўзгарди.

— Қайси маънода? — меҳмоннинг кўзига тик қарардим.

— Улар аввалгига қараганда ҳам тафтироқ бўлиб қолди. Чунки буни билиб олганимдан буён у мен, ташландиқ бола учун онадан ҳам азизроқ бир хилқатга айланди, — юмшоққина деди меҳмон, гўёки ўзи ҳам онаси учун ўғилдан-да азизроқ эканлигини билмагандай.

Русчадан
Абдувоҳид УМР
таржимаси

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

Она

— "Онажоним" номли шеърингиз шундай юксак мукофотга лойиқ кўрилади. Табриклаймиз, — деди мухбир шоирга.

— Ташаккур! — мағрурланди ижодкор.

Буни телевизордан томоша қилаётган Онанинг шодлиқдан кўзларига ёш келди. Ўғли машҳур шоир бўлибди! Сўнг Қариялар уйидаги чироқлар ўчирилди. Она ўрнига чўзилди.

Бахтли давр

— Ҳаётингиздаги энг бахтиёр онлар?

— Туғилгунимча тўққиз ой жуда бахтли эдим. Чунки онамнинг юраги остида хотиржам яшардим...

Мактуб

"Дадажон, тезроқ келин! Ойим сизни кута-кута бетоб бўлиб қолди. Бир кунга келсангиз, нариги ойим хафа бўлмайди. Фақат бир кунга..." Ўғлингиз.

Болақай мактубни ёзиб, деразадан "самолёт" қилиб учуриб юборди. Хат албатта эгасига етиб боришига ишонарди у...

Ука

— Укажон... Ёрданинг жуда зарур бўлиб қолди. Жиянларинг бетоб, поччанг эса борини ичиб тутатди... Озроқ қарз бериб тур, — гўшакнинг нарёғидан мунгли товуш эшитилди.

— Опажон, ўзи ойликни аранг етказиб яшасам... Мени ҳам тушунинг-да, пулим йўқ, — уҳ тортди ука. Сўнг жуда бандлигини айтиб алоқани ўчирди.

— Манави тилла занжирга нима дейсиз? — ёнидаги жонон унга суйкалди. — Олиб берасизми?

— Истаганингизни ол! Бугун сахийман, жоним.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА



18th ASIAN GAMES
**Jakarta
Palembang
2018**

Газетанинг аввалги сонидида **Осиё ўйинларининг** дастлабки беш кун натижаларини маълум қилгандик. Мусобақаларнинг навбатдаги кунларида ҳам спортчиларимиз медалларни қўлга киритишда давом этишмоқда.

Олтинчи кун

Куннинг биринчи кумуш медални академик эштак эшиш баҳсларида саккиз кишилик экипажимиз қўлга киритди.

Сўнгра велоспортнинг шоссе йўналишида 40 км. масофага бўлиб ўтган беллашувда иштирок этган Мурод Холмуродов 57:10.52 натижа билан кумуш медалга эга чиқди.

Еттинчи кун

Куннинг ягона медалини терма жамоамизга теннисчи, Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин тақдим этди. Ҳамюртимиз яккалик баҳслари финалида хитойлик Йибинг Вуни 2:6, 6:2, 7:6 ҳисобларида мағлуб этди ва мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Саккизинчи кун

Пенчак силат бўйича -65 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Абдумалик Салимов мусобақанинг бронза медалини олди.

Каратэ бўйича баҳсларда -60 кг. вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Садриддин Сайматов ҳам терма жамоамиз ҳисобига бронза медал қўшиб қўйди.

Аёллар ўртасида -61кг. вазн тоифасида баҳсларда қатнашган Барно Мирзаева бронза соҳиби бўлди.

Куннинг ягона олтин медалини оғир атлетикачимиз Руслан Нуриддинов тақдим этди. Умумий ҳисобда 421 кг. натижа кўрсатган Руслан Индонезиядаги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясига олтинчи олтин медални келтирди.

Енгил атлетиканинг босқон улоқтириш баҳсларида қатнашган Суҳроб Ҳужаев 74,06 натижа кўрсатиб, бронза медал соҳибига айланди.

Ўзбекистон ўз рекордини янгилайди

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида давом этаётган Осиё ўйинлари Ўзбекистон терма жамоаси учун муваффақиятли кечмоқда.



Тўққизинчи кун

Каратэ бўйича -50 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Бахринисо Бобоева кумуш медалга сазовор бўлди.

Бадий гимнастиканинг жамоавий баҳсларида иштирок этган қизларимиз умумий ҳисобда 155,3 балл тўплаб, иккинчи натижани қайд этишди ва яқунда кумуш медални делегациямиз ҳисобига қўшиб қўйишди.

Оғир атлетикада +105 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Рустам Жангабаев умумий ҳисобда 455 кг. натижа кўрсатиб, бронза медал эгасига айланди.

Ўнинчи кун

Бадий гимнастика бўйича яккалик баҳсларида иштирок этган Сабина Тошқенбоева 65,850 балл жамғариб, яқунда кумуш медалга сазовор бўлди.

Кун медалларининг асосий қисmini курашчиларимиз тақдим этишди.

-66 кг. вазн тоифасида икки нафар ҳамюртимиз Маъруф Файбуллоев олтин ҳамда Руслан Бўриев кумуш медални терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди.

+ 90 кг. вазн тоифасида кечган баҳсларда эса Муҳсин Ҳисомиддинов ҳал қилувчи жангда эронлик Жаъфар Паҳлавонижағҳарни мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шу вазнда баҳсларда иштирок этган Нурбек Тўраев эса бронза медал соҳибига айланди.

-52 кг. вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Гулнор Сулаймонова чемпионлик жангида ҳиндистонлик

Пински Балҳарани таслим этди. Яна бир спортчимиз Ойсулўв Абдумажидова эса бронза медал билан кифояланди.

Ўн биринчи кун

Ўзбекистон дзюдо жамоаси етакчиси, -60 кг. вазн тоифасида иштирок этган Диёрбек Ўрозбоев финалда дзюдо ватани бўлмиш Япония вакили Тору Шишимени мағлубиятга учратиб, Осиё ўйинлари чемпиониغا айланди.

Курашчимиз Дилдор Шерметова мўғулистонлик Баярбат Басанжаргални енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, курашчиларимиздан Мухлиса Абдумаликова ва Сарвар Шомуродов бронза олишди.

Уч ҳатлаб сакраш машқларида 16,62 м. натижа кўрсатган Руслан Курбанов кумуш медалга сазовор бўлди.

Баландликка сакраш мусобақаларида икки карра Осиё ўйинлари ғолиби Светлана Радзивил 1,96 м. баландликни забт этди ва учинчи марта Осиё ўйинлари ғолибига айланди. Кумуш медал эса бошқа бир ўзбекистонлик — 1,94 м. натижада тўхтаган Надия Дусановага насиб этди.

Ўн иккинчи кун

Канозда эштак эшиш бўйича аёллар ўртасида 500 метр масофага ўтказилган баҳсларда Дилноза Раҳматова ва Нилуфар Зокирова тандеми кумуш медални қўлга киритди.

Ҳамюртимиз Вадим Меньков канозда эштак эшишда маррага биринчи бўлиб етиб борди ва Осиё ўйинларининг тўрт карра чемпиониغا айланди.

1000 метрға жуфтлик баҳсларида стартта чиққан Шахриёр Маҳмамов ва

Шоҳруҳбек Аъзамов ҳамда канозда эштак эшган Нурилом Тўхтасин ўғли ва Серик Мирбеков жуфтлиги ҳам бронза медалини қўлга киритишди.

Кураш баҳсларида Кумуш Йўлдошева Осиё ўйинларида Ўзбекистон ҳисобига 14-олтин медални тақдим этди.

Шунингдек, Шермуҳаммад Жандреев ҳам курашда олтин медалга эга бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Яхё Имомов эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Дзюдо бўйича Гулноза Матниязова бронза медалини қўлга киритди.

Ушбу натижалардан кейин Ўзбекистон ҳисобидаги медаллар сони 53тага етди. Айни вақтда Ўзбекистон делегацияси 15та олтин, 19та кумуш, 19та бронза медал жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида 6-ўринга кўтарилиб олган. Бу билан Ўзбекистон медаллар жамғариш бўйича ўзининг Осиё ўйинларидаги рекордини янгилаш арафасида турибди.

Медаллар сони ҳали кўп бўлади

Ҳали олдинда бир қатор спортчиларимиз медаллар учун курашиш имконига эга. Жумладан, Ўзбекистон боксчилари йўқотишларсиз ярим финалга етиб келди. Бу яна етти та медал нақд дегани. Ҳасанбой Дўсмаев (-49 кг.), Жасур Латипов (-52 кг.), Миразиз Мирзахалилов (-56 кг.), Иқболжон Холдоров (-64 кг.), Шунқор Абдураулов (-60 кг.), Бобоусмон Батулов (-69 кг.) ва Исроил Мадримов (-74 кг.) 31 август кунини ярим финал жанглирида иштирок этишди.

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"OPEN LOGIC STRATEGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга

2017 йил 26 майда берилган АА серияли 0006171 рақамли:

"FARGONA INVEST KREDIT" масъулияти чекланган жамиятининг (Фаргона вилояти) аризасига мувофиқ телерадиоэшиштиришларни тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2015 йил 27 июлда берилган АА серияли 0005641 рақамли;

"TRIADA NETWORK GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017

йил 12 июлда берилган АА серияли 0006221 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 26 августдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси та-

рихи ва мероси" жамоат фонди ҳисоб рақамига 2018 йил 15 августда АЖ "АЛСКОМ" СК томонидан 8 300,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур ҳомийлик пули "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Тошкент педагогика билим юрти томонидан 2001 йили Шохиди ШАСУ-ЛЕЙМАНОВА номига берилган 032769 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Юракдан жой олган туйғу

Ҳар бир инсон учун киндик қони тўқилган она-Ватани муқаддас ва буюқдир. Ватанга муҳаббат туйғуси она алласи орқали қонга қўшилиб, юракдан жой олади, назаримда. Шунинг учун ҳам юртимиздан ташқарига чиқсак, борган жойимиз қанчалар гўзал, қанчалар мафтункор бўлмасин, икки-уч кун ўтмай, дарров ватанимизни соғиниб қоламиз.

“**Мамлакатимиздаги аэропортда самолётдан тушар эканман, чегарачи йиғитларимиздан бири “Ассалому алайкум, онажон, яхши келдингизми?”, дея самимий кутиб олганида, тўғриси, қалбим тўлқинланиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.**”

Ўтган йили ўғилларим саёҳат учун Европа мамлакатларидан бирига жўнатишди. Дастлабки кунлари осмонўпар бинолар, текис ва раво кўчаларни кўриб, у ерда яшовчиларга ҳавасим келди. У мамлакатда кўчаларни совун кўпиги, кейин эса тоза сув билан ювишар, сўнг қандайдир мато билан артиб-тозалаб кетишар экан. Йўл четлари анвойи гуллар билан қопланган. Лекин мафтунлигим узоққа чўзилмади. Бир ҳафта ўтмай уйимга кетгим келарди. Тўғри, келганимга кўп бўлмай фарзанд ва набираларим кўз ўнгимдан ўта бошлашди, бироқ мен ота-онам, яқин қариндошларим ҳоки қўйилган, аини пайтда энг яқин инсонларим истиқомат қилаётган қадрдон қишлоғимни, содда ва самимий, қалби меҳрга тўла ҳамқишлоқларимни кўпроқ соғинаётган эдим.

Мамлакатимиздаги аэропортда самолётдан тушар эканман, чегарачи йиғитларимиздан бири “Ассалому алайкум, онажон, яхши келдингизми?”, дея самимий кутиб олганида, тўғриси, қалбим тўлқинланиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Унинг саломига алик олар эканман, ҳар қанча чиройли, яшаш учун ҳар қанча қулай бўлмасин, бирорта хориж мамлакатини ўз қадрдон Ватанимга алмашмаслигимни ҳис қилдим. Қишлоғимнинг нотекис кўчалари, бундан бир неча ўн йиллар олдин қурил-

ган бир қаватли уйлари ҳар қандай гўзал мамлакатдан афзал, қадрлироқ эди мен учун. Қалбимдан мустаҳкам жой олган Ватанга муҳаббат туйғуси мени шундай қарорга келтирган эди.

Минг шукрки, кейинги йиллар ичида юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишларига кенг ўрин берилди бошланди. Бизда ҳам хориждаги каби йўллар, бино ва иншоотлар қурилаётгани бугун қалбимга гурур ва ифтихор бағишлайди. Юртимиздаги бу ўзгаришлар хориждаги инвесторларни ҳам жалб қила бошлади. Бугунги кунда Россия, Беларус, Молдова, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Хитой, Европа ва Америка мамлакатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган минглаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатяпти.

Юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилётгани ҳам иқтисодимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди, албатта. Мана бир йилдан ошди, муассаса, корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг мириқиб дам олишлари, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишлари, дунёга таниқли азиз боболаримиз мангу ором топган муқаддас оромгоҳларни зиёрат қилишлари учун шароит яратиш мақсадида дам олиш кунларининг қаторасига 4-5 кунга ет-

казилиши замирида ҳам инсон омилига берилётган катта эътибор ётибди.

Аини пайтда нафақат гўзал пойтахтимиз Тошкент, балки вилоятлардаги шаҳар-қишлоқлар ҳам улкан қурилиш майдонига айланган. Қаерга борманг, эски уйлар бузиб ташланиб, ўрнига янги кўп қаватли бинолар қад кўтаряпти. Битказиб фойдаланишга топширилаётган уйлар эса биринчи навбатда яшаш шароити оғир хотин-қизларга навбатсиз, ноғиронлиги бор шахсларга эса текин берилаётгани ҳам гоёт адолатли иш бўлиб, бундан одамларнинг кўнгли тўлапти.

Яқинда иш билан Оққўрғон туманига бордим, ўзим ҳар доим келиб турадиган укамнинг хонадонига йўл топа олмай қолдим. Мен билган Охунбобоев кўчасининг икки томонидаги ташкилотлар бинолари ва уйлар ўрнида кўпқаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилганига гувоҳ бўлдим.

Бир неча йилдан бери туман марказида жойлашган бозор ёнидаги йўлдан пиёдалар жон ҳовучлаб ўтишади. Бунга сабаб бозор қаршисидаги қатор дўкон ва овқатланиш шохобчаларининг йўлга яқин ва бетартиб қурилганлигидир. Туман раҳбарлари бу ҳолнинг ҳам олдини олиб, янги бозор қурилишини бошлаб юборишди.

Мен истиқомат қилаётган Куйичирчиқ туманида ҳам ишлар бошланиб кетди. Туман маркази — Дўстобод шаҳарчасига яқин стадион ёнига кўпқаватли уйлар тушяпти. Йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам режага киритилган

экан. Демак, ҳадемай бизнинг туманимиз ҳам энг чиройли масканлардан бирига айланади.

Мен умрини халқ таълими соҳасига бағишлаган инсонлардан бириман. Ҳозир шогирдларимни ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида уқратиш мумкин. Лекин кейинги йиллардаги ҳамкасбларимга бўлган эътибор дилимни вайрон қилаётган эди. Шогирдларимнинг кўпчилигини муаллимлик касбига мен даъват қилганман. Уларнинг кўча тозалашларини, деҳқоннинг ўрнини эгаллаб, даладан бери келмасликларини кўриб, ўзимни айбдордек ҳис қилардим. Бугун ўқитувчиларга берилаётган эътибор, улар маошининг босқичма-босқич оширилиши, мактабларнинг ҳокимликлар тасарруфидан олиниб, халқ таълими вазирлигига ўтказилиши кўнглимдаги ана шу дилхираликни ювиб юборди. Хайрият, дейман ичимда, ўқитувчининг ҳам бошига офтоб тегадиган бўлди. Энди улар фақат таълим ишлари билан шуғулланишади.

Таълимга эътибор кучайтирилди, демак билимни, салоҳиятли инсонлар кўпаяди, келажак улар қўлида бўлади. Кўплаб яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказган муаллима сифатида мен бунга ишонаман.

Азиз юртдошларимни республикамиз мустақиллигининг 27 йиллик тўйи билан табриклайман. Юртимизнинг ҳар бир гўшаси гуллаб-яшнасин!

Дилором РАҲИМОВА,
фахрий муаллима

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шўҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шўҳрат ҚОДИРОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқадиган

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-843 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 2982 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толлмаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида
226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99